



THE PARTICIPATION OF NON-GOVERNMENTAL ORGANIZATIONS IN THE IMPLEMENTATION OF NATIONAL POLICY ON INTERETHNIC RELATIONS IN UZBEKISTAN

Ravshan Khamitov

Associate Professor

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

PhD in Philosophical Sciences

xamitovravshan5@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: interethnic relations, national cultural centers, party, mass media, youth, internet, national content.

Received: 08.08.25

Accepted: 09.08.25

Published: 10.08.25

Abstract: This article presents the main aspects of the national policy on interethnic relations in Uzbekistan, both historically and in modern terms. It describes the participation of civil society institutions in the implementation of the national policy on the issue since 1991.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИДА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Равшан Хомитов

т.ф.ф.д. (PhD)

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти

xamitovravshan5@gmail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: миллатларапо муносабатлар, миллий маданий марказлар, партия, оммавий ахборот воситалари, ёшлиар, интернет, миллий контент.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллатларапо муносабатларга оид миллий сиёсатининг асосий жиҳатлари тарихий ва замонавий ёндашувлар билан кўрсатиб берилган. Унда 1991 йилдан бошлиб мамлакатдаги миллий сиёсатининг амалга оширилишида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки баён қилинган.

УЧАСТИЕ НЕПРАВИТЕЛЬСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В СФЕРЕ МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Равшан Хамитов

Доцент Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Кандидат философских наук (PhD)

xamitovravshan5@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: межэтнические отношения, национально-культурные центры, партия, СМИ, молодежь, интернет, национальный контент.

Аннотация: В статье излагаются основные аспекты национальной политики в сфере межнациональных отношений в Узбекистане, как в историческом, так и в современном плане. В нем описывается участие институтов гражданского общества в реализации национальной политики по данному вопросу с 1991 года.

Кириш. Маълумки, Ўзбекистон ҳудуди полиэтник давлатлардан ҳисобланиб, бу жараённинг шаклланиши узоқ тарихга бориб тақалади. Шунингдек, XXI аср бошида мамлакатнинг миллий таркиби 130 дан ортиқ миллат ва этник гурухлардан иборат бўлган ҳолда ҳалқлар ўртасидаги дўстлик муносабатлари миллатлараро тотувлик асосида мустаҳкамланиб борди. Шунингдек, ҳозирги кунда ер юзида, барча тарихий даврлардан фарқ қилмаган ҳолда, қўп миллатли ва турли хил диний эътиқод вакиллари истиқомат қилаётгани маълум. Унда дунё давлатлари асосан икки турга, яъни полиэтник (қўп миллатли) ва моноэтник (бир миллатли) гурухларга бўлинади. Аксарият давлатлар полиэтник ҳисоблансада, XX асрда моноэтник ҳисобланган Япония, Польша, Корея давлатлари ҳам ҳозирда полиэтник давлатлар таркибига қўшилиб бормоқда. Бу эса масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Методология. Аниқланишича, дунё бўйлаб бетакрор маданий ва маънавий қадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гурух яшайди. Бироқ БМТ томонидан тан олинган давлатлар сони эса 200 та атрофидадир. Натижада, дунёдаги ҳар тўрт давлатдан учтасида аҳолисининг тўртдан бир қисмини туб миллатга мансуб бўлмаган ҳалқлар ташкил этади. Айнан бу борада шуни маълум қилиш керакки, давлатлардаги ҳалқларнинг диаспоралари мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ҳалқ дипломатияси асосида янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳамда ислоҳотлар, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожида ҳам ушбу омил муҳим ўрин тутади.

Шуни инобатга олиб, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон хукумати миллатлар масаласида миллий сиёсатини умуминсоний тамойилларига, ўзбек

халқининг миллий менталитетидаги бағрикенглик ғояларига асосланиб олиб борди. Натижада, ўтган давр мобайнида минтақада тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик таъминланиб келинди.

Миллатлараро масалада давлатнинг миллий сиёсати белгиланар экан, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилганидек, “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади”[1] деган норма билан иш тутилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Республикада истиқомат қилаётган миллат вакиллари билан учрашувларида айтганидек: “Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачигидек саклаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир”[2]. Бу стратегик йўлнинг ҳаётда ўз тасдигини топаётгани кенг жамоатчилик ҳамда эксперталар томонидан эътироф этилди.

XXI асрда дунёning турфа миллатли манзараси ҳамда давлатлардаги турли халқларнинг диаспораларини ўрганадиган фанлардан бири –диаспорология [3] фани жаҳонда кенг ривожланмоқда. Бунинг натижасида миллатлараро муносабатлар ва динлараро бағрикенглик масаласига янгича караш, давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларга оид бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлилий тадқиқотлар ҳамда амалий методлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Натижалар. Шундай экан, Ўзбекистон давлатчилигининг янги даврини бошлаган ўтган асрнинг 90 – йилларидан бошлаб, мамлакатда кенг қамровли ислоҳотлар бошланди. Хусусан, шу йиллардан фуқаролик жамиятини қуриш, демократик ислоҳотларга асосланиб давлатчиликни янги қўринишда шакллантириш ҳамда ривожлантириш кун тартибида бўлди. Шу асосда фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан борган Ўзбекистон ҳукумати ва кенг жамоатчилик кўп миллати ҳолатни ҳам инобатга олди. Жумладан, бунга оид айrim мулоҳазаларга тўхталиб ўтилса қўйидагилар намоён бўлади.

Биринчидан, мамлакатдаги миллий озчиликлар учун ўзларининг миллий маданий марказларини ташкил этилишига етарли имкон ва муносиб шароит яратиб берилди. Шу асосда, Ўзбекистондаги дастлабки миллий маданий марказлар 1989 йилдан бошлаб корейслар, қозоқлар, немислар, яхудийлар, арманлар томонидан республика маркази ҳамда вилоятларида тузилди. Гарчи бу вақтларда собиқ иттифоқ мавжуд бўлсада, мамлакатдаги миллий маданий марказлар Ўзбекистон жумҳуриятининг хоҳиши ҳамда қўллаб – кувватлаши билан ташкил топди. Хусусан, бу марказларнинг фаолияти Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин фаол тарзда намоён бўла борди. Хусусан, статистикадан

кўрадиган бўлсак, мамлакатда 1989 йил 10 та МММ бўлган бўлса, 1991 йилда эса уларнинг сони 12 та, 1995 йил 72 та, 2003 йил 135 та, 2005 йил 140 та, 2012 йил 142 та бўлган [4]. Шунингдек, сўнгги йилларда давлат институтлари томонидан миллий маданий марказларни ҳар томонлама қўллаб – қувватланиши ҳамда ислоҳотларга монанд равища 27 та миллат ва халқларнинг миллий маданий марказларнинг сони ҳамда уларнинг фаолияти учун янги даврни бошлаб берди. Хусусан, буни рақамларда давом этсак: 2022 йилда 152 та, 2024 йилда 157 та миллий маданий марказ фаолият олиб борди.

Демак, мамлакатдаги фуқаролик жамияти шароитида турли миллат вакиллари ўзларининг тили, маданияти, урф – одат ҳамда анъаналарини сақлаш, бойитиш, ёш авлодга тарғиб қилиш ҳамда ўзларининг тарихий ватани билан ҳамкорлик қилишда ушбу миллий маданий марказлар муҳим ўрин тутди.

Иккинчидан, маълумки фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бу сиёсий партиялар ҳамда сайлов жараёнлари ҳисобланади. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистонда сиёсий ҳамда бошқарув жараёнларида байналмилал сиёsat олиб борилди. Бу билан йиллар давомида халқларда шаклланган бағрикенглик феноменига қурилган давлат сиёсати ўзига хос моделни ҳам вужудга келтирди. Ушбу модел сиёсий жараёнларда ҳам турли миллатларнинг манфаатларини инобатга олгани билан ҳам аҳамиятлидир. Масалан, мамлакатдаги миллий маданий марказлар бошқаруви ва улар асосида мамлакат кадрлар захираси ҳамда давлат хизматига ўтишида асосий ўрин тутиб келгани маълум. Хусусан, бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси парламенти шаклланишида аниқ кўринади. Яъни, 1994 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сайлови якунларига кўра мамлакатдаги 15 та миллатга мансуб фуқароларнинг депутатлик корпусига сайланиши юқори баҳоланган [5]. Биргина орадан йигирма йил ўтиб 2014 йил 21 декабря эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий кенгашлар учун сайловда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан 5.924 номзод кўрсатилган, унда вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига кўрсатилган номзодларнинг 26 фоизи, Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилганларнинг 19 фоизи турли миллат вакилларидан иборат бўлган [6]. Буни бошқа сиёсий партиялар илгари сурган номзодларнинг этник таркибида ҳам кўриш мумкин.

Бу борадаги фикрларни давом этсак, 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланганлар: ўзбек миллатига мансуб депутатлар 130 нафар ёки 87,0 фоизни, бошқа миллат вакиллари – 20 нафар ёки 13 фоизни ташкил қилган. Улардан қорақалпоқ ва рус миллатига мансублар 5 нафардан, қозоқ ва тожик миллатига мансублар 3 нафардан, корейс миллатига мансублар 2 нафарни ҳамда 1 нафардан туркман ва қирғиз миллатига мансуб депутатлар ташкил қилган [7]. 2024 йил Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлари таркибида бошқа миллат вакилларидан сайланганлари 12,7 фоизни ташкил қилган. Шу жумладан, улардан 5 нафари рус, 3 нафардан қозоқ ва тожик, 2 нафари корейс, 1 нафардан туркман ва кирғиз миллатига мансуб бўлган.

Чунки бунинг қонуний асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, 3-модда. Тенг сайлов ҳукуқи. Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар, тенг сайлов ҳукуқига эгадир [8]. Бу харакатлар сиёсий барқарорликни таъминлаган.

Учинчидан: Ўзбекистон шароитида фуқаролик жамиятининг наёб институтларидан бири ҳисобланган маҳалла – миллатлараро тотувлик маскани сифатида эътироф этилади. Бу институт кўп миллатли давлат ва жамият ҳаётида глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб бораётган XXI асрда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти “... бугун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши зарур... деб таъкидлаганли” гида ҳам масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Чунки, маҳалла - ўзида жамоа, жамоавийлик, қўни-қўшничиликнинг моҳияти ва мазмунини акс эттирас экан, ўтмишда ҳам кишиларни ҳамжиҳатликка, тотувликка, ўзаро ҳайриҳоҳликка асослантирувчи манзил бўлиб келган. Умуман олганда, ўтган асрнинг 90 - йилларидан Ўзбекистон Республикасида “кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси амалга оширилар экан, маҳалланинг аҳамияти янада ошди.

Айнан маҳаллада ўзбек халқидаги бағрикенглик руҳи шакллангани ҳам ўз-ўзидан маълум. Бу эса Ўзбекистон Республикасида миллатлараро барқарорликка оид давлат сиёсатини амалга оширишда жуда катта имконият берди.

Шу маънода маҳалла – ўзбек халқининг улкан бойлиги бўлиб, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик қадриятларни асраб авайлаш, ёш авлодни ҳам шу руҳда тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Агар статистик маълумотларга эътибор қаратсак, қуйидагиларга гувоҳ бўламиз. Ўзбекистонда 1939 йилги аҳоли рўйхатида 97, 1959 йилги рўйхатда 113, 1979 йилги рўйхатда 120 дан ортиқ миллат ва элат яшаган. 1989 йилги аҳоли рўйхатида эса Ўзбекистонда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилган бўлиб, 2025 йил 1 январь ҳолатида 130 дан ортиқ миллатлардан иборат таркиб шаклланди. Буларнинг барчаси маҳаллаларда истиқомат қилган.

Яъники, Ўзбекистонда ўн минг атрофида маҳаллалар мавжуд бўлиб, улардан 2018 йил 1 январь ҳолатида кўпмиллатли маҳаллалар жами республика бўйича 56,5 фоизни ташкил

этган. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 100,0 фоизни, Тошкент вилоятида 92,2 фоизни, Тошкент шаҳрида 83,1 фоизни ҳамда бошқа ҳудудларда ҳам шу кўринишида акс этган.

Демак, бундан шуни англаш мумкинки, яъни, турли миллат вакилларига тегишли бўлган оиласаларнинг бир маҳалла ҳудудида яшаши қуйидаги омилларга сабаб бўлди:

Биринчидан, турли миллатларга тегишли бўлган никоҳларнинг қайд қилиниши.

Иккинчидан, барча ҳалқларга хос бўлган одат ва маросимларнинг ўзаро бир – бирини бойитиши. Бу оиласавий маросимлар, таомлар, байрамлар, уй хўжалиги ва бошқаларда акс этди.

Учинчидан, миллатлараро тотувликнинг таъминланишида ҳалқлар дўстлиги ва ўзаро бир – бирини тушунишга шароит яратиб берди.

Тўртинчидан, мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш, иқтисодий юксалиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзаро тажриба, маслаҳат ва ҳамжиҳатлик муҳитини барпо этди.

Тўртинчидан, фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутар экан, Ўзбекистон ҳукумати қўллаб-қувватлаши билан 12 та тилда газета, журнал, ТВ, радио, интернет сайтларида ахборот тарқатилиши йўлга қўйилди. Бу билан миллий озчиликнинг ахборотга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжлари таъминлаб берилди. Айниқса, сўнгти йилларда интернет сайтларга берилган имконият ҳамда ахборотдаги очиқлик сиёсати натижасида ижтимоий тармоқ ҳамда интернет тизими орқали ахборотга бўлган барча миллатларнинг маълумот олиши учун муносиб шароит ҳамда имконият яратилди.

Бешинчидан, маълумки бағрикенглик ғояларининг давом этиши ҳамда мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан ёш авлоднинг шу руҳда камол топиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиши муҳим ҳисобланади. Бу борада ёшлар ташкилотлари, ижтимоий фикрни ўрганиш марказлари, қатор ННТ муҳим ўрин тутади.

Хулоса. Умуман хулоса қилиб айтганда фуқаролик жамияти мамлакатдаги барча миллат ва ҳалқларнинг эҳтиёж ҳамда интилишларини намоён қилишда муносиб имконият берар экан, мамлакатдаги қонунчилик, ташкилий ҳаракатлар, ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш ўзининг муносиб самарасини берди. Мамлакатда миллатлараро барқарорлик таъминланиб, унга оид фаолият, тажриба, ўзига хос жиҳатлари маҳаллий ҳамда ҳалқаро эксперталар томонидан эътироф этилди. Буни янада такомиллаштириш ҳамда ёш авлодни ҳам шу руҳда тарбиялаб бағрикенглик, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби қадриятларнинг бардавомлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023 Б – 6.
2. Бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тараққиёт гарови // Халқ сўзи. 2017 йил 21 январь.
3. Диаспора – грек тилидан олинган сўз бўлиб, унга доир айрим тадқиқотлар: Cohen R. Global Diasporas An Introduction London. Armstrong O Mobilized and Proletarian Diaspors // The American Political Science Review-1976., Vol. 70-2. – P. 393-403; Esman J.M. Diasporas and International Relations // Modern Diasporas In International Politics. 4, – New York: St. Martin's Press, 1986.– P. 333-349. 1994; Мендикулова Г.М. Исторические судьбы казахской диаспоры. // Происхождение и развитие. – Алматы, 1997; Совинская Н. Н. Вклад украинской диаспоры стран Западной Европы в развитие экономики и культуры независимой Украины (1991 – 2002). – Киев, 2002; Попков В. Д. Феномен этнических диаспор. – М.: ИС РАН, 2003; Горбукова Г. Русская диаспора в Кыргызстане. – Бишкек, 2005; Мамедова Н. Иранская диаспора в России. – М., 2006; Тишков В.А. Русский язык и русскоязычное население в странах СНГ и Балтии // Вестник Российской Академии наук, 2008. 78 №5. – С.415–422; Муртазаева Р.Х. Миграционные процессы в г. Ташкенте (на примере русской диаспоры в годы независимости) // «Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди» материалы научной конференции. – Ташкент, 2009. – С.33 – 44 ва бошқа тадқиқотлар.
4. ЎзР ПАА 975-фонд. 30-рўйхат. 1886-иш. 145-варак
5. ЎзР ПАА 975-фонд. 20-рўйхат. 251-иш. 156-варак.
6. Умаров Н. Создание благоприятных условий для жизни – наша приоритетное задание // Народное слова, 18 декабрь 2014 г.
7. Марказий сайлов комиссияси маълумоти асосида шакллантирилди.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоя, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида” ги Қонуни. - Т., “Ўзбекистон”., 2017 й. - Б.6.